

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси  
Тошкент ислом университети  
Исломшунослик илмий-тадқиқот маркази

*Маънавий меросимиз  
хазиinasдан*

З. М. ИСЛОМОВ

# АДАБ ИЛМИНИНГ ДУРДОНАСИ

"Тошкент ислом университети"

81.2 У38

Абулқосим Маҳмуд Замахшарий жаҳон фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган олимлардан биридир. У олтиншдан ортиқ асарлар яратган. Олим илмий меросида унинг "Муқаддамату-л-адаб" асари муҳим ўринни эгаллайди. Ушбу асарга ўрта асрлардаги адаб илми сирасига кирувчи барча билимлар ҳақидаги маълумотлар киритилган. Бизгача асарнинг арабча-форсча, арабча-туркий, арабча-хоразмийча икки тилли, арабча-форсча-туркий уч тилли, арабча-форсча-туркий-мўғулий сўзлик киритилган тўрт тилли қўлёзмалари етиб келган. Мазкур қўлланмада "Муқаддамату-л-адаб" ҳақида батафсил маълумот берилган.

Қўлланма манбашунослик, исломшунослик, тилшунослик ихтисосликлари бўйича билим олувчи талабалар, маънавият, маърифат соҳаси ходимларига ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: академик Н. И. Иброҳимов  
Тақризчилар: фил. ф. н. А. Ҳабибуллаев  
фил. ф. н. У. Уватов

Ўқув қўлланма Исламшунослик илмий тадқиқот маркази ҳамда Диншунослик—Исламшунослик кафедрасининг 2002 йил 16 январ куни бўлиб ўтган 11-сон мажлисида кўриб чиқилган ва нашрга тавсия этилган.

Зоҳиджон Маҳмудович Исмолов

АДАБ ИЛМИНИНГ ДУРДОНАСИ

"Тошкент ислом университети"  
нашриёти — 2002

Муҳаррир А. Зиёдов  
Бадий муҳаррир Ш. Ҳасанов  
Техн. муҳаррир Ж. Бекиева

Босишга рухсат этилди 19.09.2002. Бичими 60x84 1/16. Шартли б.т. 1,4.  
Нашр т. 1,3. Адади 1000. Буюртма № 154.

"Тошкент ислом университети" нашриёти.  
Тошкент, 700011. А. Қодирий кўчаси, 11.  
Шартнома № 07-88-2002

"MERIYUS" ХМНК. Тошкент шаҳар, Усмон Носир кўчаси, 158-уй.

© "Тошкент ислом университети", 2002 й.

2007  
1994  
Alisher Navoiy  
nomidagi  
O'zbekiston MB

493  
H 180  
Ю 33188  
091

## АДАБ ИЛМИНИНГ ДУРДОНАСИ

522 ҳижрий йил. Кўҳна Урганч ўзининг осуда ҳаёти билан банд. Шоҳ қасрида тинчлик, ҳаммаёқ сув қуйгандек жимжит. Яқиндагина тахтга ўтирган ёш шоҳ Алоуддавла Абулмузаффар Отсиз деразадан тушган офтоб нурларига термулиб хаёл сурар экан, унинг олдида вазир Низомулмулк аста яқинлашди ва босиқ товуш билан сўз бошлади:

— Улуғ шоҳим! Хаёлингизни қандай муаммолар банд қилди? Айтинг, шояд дилингиз равшанлашиб, ғуборингиз тарқагай!

Хоразмшоҳ Отсиз ўтирган ҳолатидан ўзгармай:

— Низомулмулк, сиз марҳум отам салтанатида ҳам сидқидил билан хизмат қилгансиз. Унинг барча хайрли, эзгу ишларига хайрихоҳ бўлиб кўмаклашгансиз. Падари бузрукворимнинг мана шу хайрли ишларини давом эттирмак, юртни гуллатиб, обод этмок, элимни маърифатли қилмок истагидадурмен.

— Бу эзгу ишларингизга Аллоҳнинг ўзи мадакдор бўлғай, илоҳим дунё тургунча мудом тургайсиз!

— Шу муносабат билан ватанимда илму фанни ривожлантирмок тадоригини ўйлаб ўтирибман.

— Шоҳим, сизнинг олдингизга кириб, тинчлигингизни бузганимнинг боиси ҳам шу эди, — деди Низомулмулк ва сўзида давом этди:

— Бугун эрта билан саройингизга бир гуруҳ алломаи замонларингиз йиғилишган. Улар ҳузурингизга кирмок учун Сиздан изи сўрайдулар.

Хоразмшоҳ Отсизнинг бу гапдан юзи ёришди, ўзи сергакланиб Низомулмулкка қараб деди:

— Ҳуда соз! Олимлар билан суҳбатлашиш менга ҳузур бағишлайду. Марҳум падарим ҳам олимлар, адиблар, шоирлар билан кўп мажлислар ўтказар эдилар. Мен уларнинг аксариятида иштирок этиб, уларнинг пурҳикмат сўзлари, нафис шеърларидан бағоят таъсирланар эдим. Қани, тездан ичкарига чорланг, кирсинлар, мен мунгазирдурмен.

Низомулмулк оҳиста юриб эшикни очди ва илм аҳлини ичкарига чорлади. Хонага таъзим қилган ҳолда тиббий билимлар султони Ҳаким Али ибн Муҳаммад Ҳижозий, тенги йўқ файласуф фақиҳ Баҳовуддин Абу Муҳаммад Хирақий, алломаи замон Рашидуддин Муҳаммад Ватвот, наҳву сарф, аруз илмларининг билимдони Абулҳасан Али Хоразмий, фозиллар ҳужжаси, адиблар сайиди, машойихлар фахри ҳисобланмиш

Абулҳасан Али ибн Муҳаммад Хоразмий, фиқҳ илмининг фаридузамони Абу Муҳаммад Маҳмуд Хоразмий, фалакиёт илмининг шамси Муаййиддин Маҳмуд ибн Умар Хоразмий, манзарулолам Аловуддин Абулфатҳ Самарқандий, барча фанларнинг билимдони, асрнинг ягона зоти Абу Музар Заббий Хоразмий ва яна ўн беш нафарга яқин киши кириб келди. Улардан орқароқда соддагина кийинган, чўққи соқол, 50 ёшлар чамасидаги Маҳмуд Замахшарий ҳам оқсоқланиб, таъзим билан келар эди.

Уларни кўрган Хоразмшоҳ ўрнидан турди ва "Ассалому алайкум, азиз юртимнинг алломаю фозиллари, қадамларингизга ҳасанот, марҳабо!", дея ҳар бири билан алоҳида қучоқлашиб кўришди. Хоразмшоҳ Отсиз Замахшарийнинг қўлидан олиб юқорига бошлади ва ўзи ўтирган тахтнинг чап томонидаги курсига таклиф қилди. Ҳамма ўтириб жойлашганидан сўнг фотиҳа қилинди. Фотиҳадан кейин Хоразмшоҳ барчаларини муборакбод этиб, ҳол-аҳвол сўрашди ва Замахшарий томонига юзланиб:

— Мавлоно Маҳмуд Замахшарий, сиз яқинда Ироқ, Шом, Арабистон сафаридан қайтибсиз. Зиёратингиз қабул бўлғай, хуш келибсиз! Йироқ ўлкаларнинг ҳукмдору олимлари сиз яратган қатор бетакрор буюк асарларингиздан баҳраманд бўлиб, сизни "Жоруллоҳ", "Устозул-араб вал-ажам" каби табаррук номларга сазовор қилибдилар. Эшитиб кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Яна сиз наҳву сарф, балоғат, фасоҳат, аруз, луғат илмларида ҳам нодир асарлар яратибсиз. Сиз буюк Хоразм шону шухратини рубъу-маскунга таратдингиз. Шу бу кундан эътиборан сиз "Фаҳри Хоразм" номига ҳам муносибдурсиз. Муборак бўлғай шарафли унвон! — деди илтифот ила олқишлаб.

Маҳмуд Замахшарий "қуллуқ, минг бор қуллуқ" дея ўрнидан туриб таъзим қилди.

"Хайрли номлар муборак!", "Шарафли унвонлар қуллуқ бўлсин!" дея йиғилганлар Замахшарийни муборакбод этдилар.

— "Фаҳри Хоразм", — дея сўзини давом этди Отсиз, — сиз шу қушларда элимни, халқимни адабли, маърифатли қилай деган мақсадда "Муқаддамату-л-адаб" деб номланмиш бир дурдона асар ёзган эрмишсиз. Асарингиз бағоят етук, равон бўлмиш ила унда арабий, форсий, туркий тиллариндаги чоғишмалар ҳам бор эрмиш. Хабарингиз борким, падари бузукворимиздан бизга бебаҳо китоблар хазинаси маъмура кутубхона мерос бўлиб қолмишдир. Сиз ҳам яратган

"Муқаддамату-л-адаб" дан ўз қўлингиз ила битиб, хазинамизга тухфа қилгайсиз, чунки сиз яна нафис ҳуснихат соҳиби ҳамсиз, токи авлодларимиз бу, дурдона асарингизни ўқиб, ундан баҳраманд бўлгайлар ва тоабд ҳаққингизга дуо қилгайлар, — деди.

Маҳмуд Замахшарий ўрнидан турди, бош устига дегандай таъзим қилди-да, деди:

— Улуғ шоҳим, кўрсатган олий марҳаматингиздан кўксим осмонга етди. Дарҳақиқат, ожиз бандангиз элимга наф бўлар, деган умидда ушбу камтарин асарнинг қораламасини ёзиб, адаб илми бўйича устозим Абу Музарга фикрларини билмоқ учун берган эрдим. Гапингизга қараганда, асарим устозимга маъқул бўлган чоғи, — деди ва аста ўтирилиб Абу Музарга қаради.

Абу Музар Заббий кулимсираб, бош эгди.

— Иншооллоҳ шу ондан эътиборан Сиз Онҳазратларига атаб асаримдан бир ноёб нусха битмакликка оғт ичурмен. Худо хоҳласа, бу асар яқин кунларда хазинангиздан муносиб ўрин олади, деган умиддамен.

Шундан сўнг Хоразмшоҳ Отсиз олимлар билан мамлакатда мадрасалар курмоқ, улар учун ўқитув қўлланма, дарсликлар яратмоқ, юртни ободонлаштириш ишлари, лозим бўлса, қўшни шаҳарлардан олимлар таклиф этмоқ тўғрисида суҳбатлашди.

Кечга яқин суҳбат тугади, ҳамма олимлар мамнуният билан хайрлашиб, саройдан чиқдилар. Хоразмшоҳдан олган вазифасининг нақадар муҳим ва масъулиятли эканлигини англаган Маҳмуд сарой ҳовлисидаги қозикдан от жиловини олиб, она қишлоғи Измихшир томон йўл солди...

Жаҳон фани ва маданияти ривожига ўзининг муносиб улушини қўшган аллома, тилшунос олим Абулқосим Маҳмуд Замахшарийнинг бебаҳо асарлари орасида "Муқаддамату-л-адаб" алоҳида, муҳим ўринни эгаллайди. "Муқаддамату-л-адаб" илмий адабиётларда "Адаб илмига кириш", "Адабиётшуносликка кириш", "Сўз илмига кириш" деб таржима қилинади. "Муқаддамату-л-адаб" асарининг туб моҳияти, унинг олдига қўйилган талабларни аниқ ва равшан англаш учун асар номидаги адаб илмининг маъносига назар солиш ва уни чуқур илмий тушуниш лозим. Илмий адабиётларда "адаб" атамаси умумий таълим фанларининг йиғиндиси сифатида изоҳланади. Ўрта аср шарқ илмида морфология, синтаксис, аруз, лексика, этимология, риторика, стилистика,

хуснихат каби илмлар адаб илмларига киритилган. Шу жиҳатдан ҳам мазкур асар толиби илмларга ўқимишли, саводхон, кўп қиррали билим эгаси бўлишлари учун етарли маълумот бериш мақсадида, юксак тараққиёт поғонасида бўлган даврнинг аҳли илмлари маслаҳати билан яратилган. Адабга бағишланган асарлар жуда ранг-баранг бўлиб, улардан муайян илмий тартиб талаб этилган. Улар ўзининг қизиқарлилиги билан ўқувчиларни ўзига жалб қилган. Адабга оид асарлар кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган, уларда юқорида номи зикр этилган илмлардан маълум миқдорда маълумот берилган. Бу асарларда сўзларнинг мавжуд турли маъно кўринишлари истифода этилган. Мазкур маъно хусусиятлари эса адабга оид лугатларда тўлиқ акс эттирилган.

Адаб илмини тўлиқ эгаллаган киши адиб деб аталган. Адиб, ҳамонки саводхон, маданиятли, ўқимишли киши экан, ундан шу даражага муносиб келувчи билимларни ўзлаштириш учун муайян миқдордаги сўз бойлигига эга бўлиш талаб этилган. Асар муаллифи Маҳмуд Замахшарий мана шундай шарафли, олий мақсадни ўз олдига қўйди. Бу каби масъулиятли, лекин шарафли вазифанинг аллома, адиблар каъбаси Маҳмуд Замахшарийга юкланиши бежиз эмас эди. Чунки Замахшарий бу даврга келиб нафақат Хоразмда, балки бутун мусулмон дунёсига маъруфу машҳур бўлиб, ўзининг илмий етуклиги, асарларининг пухталиги, ўз даврининг илмий тили ҳисобланмиш араб, форс ҳамда туркий тилларини юксак даражада билган "даврнинг танҳо зот"ларидан бири эди. Маҳмуд Замахшарий ўз ҳаёти давомида бир неча бор ўзга мамлакатларга сафар қилган. Шу сафарлар чоғида аллома ўзга юрт олимларининг адаб илми тўғрисидаги асарларини пухта ўрганиб, бу илмга доир билимларини мустаҳкамлаган. Араб ва бошқа тиллар бўйича олган билимларини мукаммаллаштирган, кўнлаб лугатларга оид маълумотларни жамлаган. Тилшуносликка оид юксак билим, етарли илмий малакани мужассам этган мазкур асар яратилган давридан бошлаб ҳозирга қадар ноёб қомусий манбалардан бири ҳисобланади. Атоқли адиб Садриддин Айний бу асарни XX аср бошида нашр этилган "Меҳнаткашлар овози" номли газетада эълон қилган бир мақоласида "дунё хазинасига тенг асар" деб эътироф этган эди. Дарҳақиқат, асар билан яқиндан танишган киши бунга сўзсиз иқдор бўлиши мумкин. Айрим манбаларнинг кўрсатишича, "Муқаддамату-л-адаб" 1130 йиллар арафасида Маҳмуд Замахшарийнинг айни етуклик даврида ёзилган эди...

Измихшир қишлоғи. Маҳмуд Замахшарий Урганчдан муҳим топшириқ олиб қайтганига ҳам чамаси уч-тўрт йиллар бўлди. Қишлоқ кўчаларининг у ер-бу ерида лойсувоқ томли уйлар кўринади. Уларнинг қаторидаги муаллим Умар ибн Аҳмаднинг уйи ҳеч нимаси билан ўзгалардан фарқланмайди. Уй хужраларидан бирида Замахшарий турли китоблар уюми орасида ёзиш билан банд. Мана бир неча йиллардан бери у тинимсиз ишлайди. Шу бугун аср намозига қадар муттасил давом этган ишини якунлаш ниятида. У охириги жумлаларни ёзмоқда: "таммати-л-қисм-л-хамиси фи тасрифи-л-афъол мин Муқаддамату-л-адаб". Мана шу жумлаларни ёзиб, Замахшарий салқиган кўзларини бироз юнди ва асарни олиб ташқарига чиқди. "Алҳамду лиллоҳ, алҳамду лиллоҳ" дея, нафис насх, сулс ва настаълиқ хатларида моҳирона битилган, сарлавҳаларига зарҳал берилган, қўйингки, ўзида мавжуд санъатининг барчасини ишлатиб яратган бу қўлёзма асар унинг ҳам ҳавасини келтирди. Шу куниеқ аллома Урганчга, Отсиз саройига йўл олди. Маҳмуд ширин хаёллар, тинимсиз меҳнатидан қониқиш лаззати билан Урганчга етиб келганини ўзи ҳам сезмади. Саройда уни Низомулмулк кутиб олди.

— Ассалому алайкум, вазири аъзам, — деди Замахшарий.

— Ваалайкум ассалом Фаҳри Хоразм, хуш келибсиз, қадамларингизга ҳасанот! — дея Низомулмулк Маҳмуд Замахшарийни ичкарига бошлади.

Хос хонага кирганларидан сўнг Маҳмуд Замахшарий сўз бошлади:

— Вазири аъзам, мен шоҳимиздан олган бир топшириқ — "Муқаддамату-л-адаб" асаримдан махсус нусха кўчириш вазифасини бажарган эдим. Шунинг топшириши ниятида саройга қадам ранжида қилдим, — деди ва тўрваннинг ичидан матога ўралган қўлёзмани олди.

Шу пайт хос хонанинг эшиги очилиб, хонага Хоразмшоҳ Абулмузаффар Отсиз кириб келди, Низомулмулк ҳамда Замахшарий эгилиб, салом бердилар. Хоразмшоҳ уларнинг саломига алик олди ва улар билан ҳол-аҳвол сўрашди. Хоразмшоҳнинг кўзи Замахшарийнинг қўлидаги қўлёзмага тушди ва:

— Мавлоно Замахшарий кўлингиздаги бу нафис китоб қандай асар? — деб сўради.

Маҳмуд Замахшарий камтарлик билан мулоим товушда:

— Шоҳим, ёдингизда бўлса, каминага бир асардан нусха кўчиришни буюрган эдингиз. Ана шу буюрган топширигингиз иншооллоҳ битди.

Уни сизнинг муборак ҳукмингизга ҳавола қилгани олиб келдим, — деди ва кўлидаги кўлёмани Хоразмшоҳга аста узатди. Ҳукмдор кўлёмани кўлига олиб, унинг муқовасини завқланиб томоша қилди ва асарни варақлай бошлади. Унинг кўзи, чехрасидан ниҳоятда мамнулиги билиниб турар эди. Кўлёмани синчиклаб варақлаган шоҳ гурур билан:

— Боракалло, офарин Сизга, мавлоно! Бу асар дунё хазинасига тенг, балки ундан ҳам қимматлироқ бўлубдур. Бу кўлёмма бизнинг кутубхонамиздан муносиб ўрин олгай, — деди.

Сўнг Хоразмшоҳ Низомулмулкка юзланиб:

— Вазири аъзам, сиз дарҳол юртимиздаги энг моҳир хаттотларни жамланг! Уларга тез фурсатда бу асардан нусхалар кўчиришларига фармон беринг. Токи, бу ноёб асарнинг кўплаб нусхалари яратилгай ва юртимизнинг барча сарҳадларига тарқатилгай. Зиё тарқатувчи бу дурдона китобдан мушфиқ элимизни маорифли қилмоқ ниятида истифода этгаймиз. Низомулмулк, сиз мавлоно Замахшарийнинг қилган шарафли хизматларини муносиб тақдирлаш тадоригини кўринг! — деди ва хос хонадан ташқарига чиқиб кетди...

Демак, муаллиф мазкур асарини Хоразмшоҳ Ануштегиннинг ўғли Алоуддавла Абулмузаффар Отсизнинг илтимоси билан унинг кутубхонаси учун махсус кўчирган.

Маҳмуд Замахшарий анъанавий араб луғатнавислиги тўртинчи мактабининг асосчисидир. Унинг "Муқаддамату-л-адаб" асари ана шу мактаб анъаналари асосида яратилган асарларидан бири ҳисобланади. Замахшарий ўзининг дастлабки ижодига оид асарларида араб тилига хос бўлган ўзак тизимининг биринчи ва иккинчи ўзак ҳарфлари бўйича алифбо тартибида сўзларни жойлаштирган. Бу тартибда тузилган луғатлардан фойдаланиш ўзига хос қийинчиликларни келтириб чиқарган. Бундан фарқли ўлароқ, Маҳмуд Замахшарий "Муқаддамату-л-адаб" да ўзак ҳарфларининг ҳар уччаласига ҳам эътибор берган ва уларни алифбо тартибида жойлаштирган.

"Муқаддамату-л-адаб" асари араб тили грамматикаси қоидалари асосида тузилган. У муқаддима ва беш асосий қисмдан иборат. Асар қисқагина муқаддима билан бошланади. Муаллиф аксарият асарларини мана шундай мўъжазгина муқаддима билан бошлаган. Анъанавий узун ҳажмдаги кириш сўзларидан воз кечиб, муқаддимада Замахшарий асосий мақсад — асарнинг ёзилиш тарихи, тузилиши ҳақида маълумот

келтиради, араб тилининг бойлиги, уни ўрганишнинг жуда зарурлиги тўғрисида фикр билдиради. Шунингдек, муаллиф асарни Хоразмшоҳ Алоуддавла Абулмузаффар Отсизнинг буйруғи билан унинг кутубхонаси учун махсус нусха тарзида ёзганлигини таъкидлайди. Шу сабабли, олимлар "Муқаддамату-л-адаб" Абулмузаффар Отсиз тахтга ўтирмасдан илгарироқ ёзилган деган фикрни билдирадilar. У билан танишган шоҳ эса асарнинг муҳимлигини англаб, ўзининг кутубхонаси учун муаллиф қўли билан кўчирилган махсус нусха яратилмоғини буюрган. Бахтли тақдир туфайли асарнинг Хоразмшоҳ Отсиз учун кўчирилган мана шу нусхалари бизгача етиб келган. Бу вақтга қадар "Муқаддамату-л-адаб" тўғрисида айрим тадқиқотлар яратилган, лекин унинг муқаддимаси махсус ўрганилган эмас.

Бундан ташқари "Муқаддамату-л-адаб" нинг бизга маълум бўлган нусхалари орасида мавжуд бўлган Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи фондидаги 202 рақамли, тўрт тилли нодир қўлёзмада муқаддиманинг туркий шакли берилган. Бу муқаддима ҳали нашр этилган эмас. Шу муносабат билан мазкур қўлёзма таркибидаги туркий муқаддимани муҳтарам китобхон ҳукмига ҳавола қилмоқчимиз.

“Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим.

Шукр ул Тангригаким, артуқ қилди барча тиллардин араб тилини, анинг ортуқ қилди инган (этган) китобини ўзга китоблардин. Дуруд пайғамбарким, битиг билмай араб сўз тақи уруқлариқаким, барча арабдин ўрундур пайғамбардин сўнқра бу тилнинг артуқлуқи учун. Ва ул Тангри буюрди (буюрдин) анқа артуқлуқ ишдин ва улким эҳтиёж этар (эта) бўлубтур мусулмонлиқ динида турлук-турлук илмлариқа, турлук-турлук одоблариқа яхши билгучиларни. Ва ани билгучи(ни) саналдию, умматнинг олимлари ичинда ёд қилилди. Имомлар бўлуқинда (пўлуқинда) Тангри таоло сунъидин ушбу бўлукка ул турурким, подшоҳларнинг ёғмири булутлари тўкмасади, берганлари бахшишлақанлари (бахшишқанлари) ҳеч кишига буларқа тўкулган аларнинг билганларинга (билганларин) аларнинг хатиблариқа, аларнинг битгучиларига, аларнинг қўшуқчилариқа ўксутмади. Араб давлати ўтгандин сўнқра ҳеч чақни чақлардин бир жавонмард подшоҳдинким, меҳрибон эди, аларқа ва таңлар эди аларни. Ва ўзига ўлур эрди ишларини ва бутқарур эди, билушур эрди аларнинг хунарида, амрок эдилар анинг хунарининг ёпилмоқиқа ва улким, таңлади Тангри таоло

бизнинг чақимизда адаб (аб) илмининг нусроти (нусроқи) учун ва солди анинг кўнглига араб тилининг севуклугин (севуклуги). Улуф бек черик беги улуф давлатлиғ Отсизтурур Хоразмшоҳ (Хораршоҳ) ўғли Тангри таоло ҳамиша ани ортуқ тутқай ва тавфиқиқа (тавфиқа) нусрат бергай (берга) анинг артуқ татлиқи (татақи) фозиллар била ўлтурмоқи турур. Ва анинг гоят авинмақи билгучилар била аёқ ичишмақи турур, ва дайим карамининг сояси кенг бўлагай, аларнинг бошида тортилиб турур аларнинг турур ерлари тўкулган бир наси била яхши турур ва бир налари ва кийимлари (кийиблари) бир-бирининг сўнғича аларнинг қатида улашу эрди, инъом юбарур аларқа, ва кундуз эрурди, чин ақаким манқа улуф ҳукми еттиким, дайим улуф бўсунким, бир нусха битмакликка "Муқаддамату-л-адаб" китобидин китобхонаси учунки, маъмура турур, ман дақи ишладим ул фармонбурдалиқи учун қилдим. Бу китобни отламиш анинг отида анинг учунким, ушбу китоб чин уким топибтур қабул кўнгулларда ва эсти шаҳарлар ичинда кун туғар жануб ели (мили) эскандек, тиладиким, дайим мазкур бўлқай барча ерларда ва чақларда бўлқай анинг азиз оти барча тилларда (билларда). Тангри таоло тавфиқ бергай анқа ул ишниким, будун қилгай (қилга) яхши отини қазқанқай. Улуф савобни чин-ўққим, Тангри яхши тавфиқ бергучи турур ва ёри қилгучи. Бу китоб беш улуш турур. Бурунқи улуши отларда турур, иккинчи улуши (улуси) феълларда турур, учунчи улуши ҳарфларда турур, тўртинчи улуши отларнинг (атмарнинг) эвурмакида, бешинчи улуши феълларининг эвурмакида турур, бурунқи улуши ул отларнинг (атмарнинг) улушида турур".

Бундан кўринадики, дарҳақиқат Хоразмшоҳ Абулмузаффар Отсиз ўз даврининг олиму фозиллари, шоиру адибларига ўта ғамхўр бўлган. Уларга доим турли совға-саломлар юбориб, ҳолидан хабардор бўлган, ижодлари учун имкон қадар шароит яратишга ҳаракат қилган. Маҳмуд Замахшарий ўз асарини яратган чоғидаёқ унинг албатта шуҳрат қозониши, эл ардоғида бўлишига ишонган.

Фан ва маданиятта ҳомийлик қилган ҳукмдорларга атаб асарлар ёзиш муаллиф ҳаётида бир неча бор кўзга ташланади. Масалан, у ўзининг машҳур "Мақомот" асарини Макка амири Ибн Ваққосга бағишлаган ва унга туҳфа қилган. Шунингдек, аллома ижодининг гултожи ҳисобланмиш "Ал-Кашшоф" ҳам амир ибн Ваҳҳос кўрсатган хайрихоҳлик ва ёрдам натижаси ўлароқ дунёга келган.

"Муқаддату-л-адаб" нинг асосий матни беш қисмдан иборат. Биринчи қисм "ал-қисм фи-л-асмо" — "исмлар қисми" деб аталган. Бунда исм туркумига кирувчи сўзлар маълум бир тартибда кетма-кет жойлаштирилган. Бу қисм вақт — замон мазмунини билдирувчи сўзлар гуруҳи билан бошланади. Унга вақт мазмунини билдирувчи йил, аср, ой номлари, кун бўлаклари, ҳафта кунлари, байрам номлари, вақт мазмунини англатувчи оломшлар киритилган. Масалан, ҳуфтон намози вақти "ётиш намози чоғи", миҳражон "куз чоғи" тарзида келтирилган.

Иккинчи гуруҳ осмон ва осмон жисмларига оид сўзларга бағишланган. Бу гуруҳга 178 та сўз киритилган. У осмон, уфқ томонлари, бурж номлари, қуёш, ой, юлдузлар, уларнинг номлари, атмосфера ўзгаришлари билан боғлиқ ҳодисалар — булут, яшин, момақалдироқ, шамолга оид сўзлардан иборат. Бу ўринда камалакнинг "Рустам ёйи", ёмғир сувининг "қоқ суви" каби иборалар билан аталгани эътиборга лойиқдир.

Кейинги боб гупроқ сўзи билан бошланади. Унга ер ва унинг турли ҳолатлардаги кўринишлари, чўл, тепалик, тоғ ва унинг турли номлари киритилган. Мазкур боб ўз навбатида қатор фаслларга бўлинган. Биринчи фасл маъдан номларига бағишланган. Унда турли маъдан номлари, улар билан боғлиқ атамалар изоҳланган.

Шунингдек, "Муқаддату-л-адаб" нинг кейинги боблари қуйидаги мавзулардаги сўзларни ўзига жамлаган: сув ва у билан боғлиқ атамалар, ўсимликлар оламига оид сўзлар, боғ, боғдорчилик, деҳқончилик, шаҳар меъморчилигига оид сўзлар, уй-рўзғор буюмлари, диний сўзлар, инсон танаси аъзолари номлари, турли касблар ва уларга тегишли сўзлар, табобат истилоҳлари, кийим-кечаклар, сон категориясига оид сўзлар, йилқиччилик, қурол-аслаҳа номлари, ҳайвон номлари.

Хулласи калом, "Муқаддату-л-адаб" асарининг исмлар қисмига замонавий қомусий монанд сўзлар киритилган. Шу сабаб бўлса керак, асар жуда машҳур бўлиб, кўплаб қўлёзма нусхаларда кўчирилган.

"Муқаддату-л-адаб" нинг иккинчи жуда катта қисми "ал-қисм фил-афъол" — феъллар қисми деб аталади. У уч ўзакли "фаъала", "яфъилу" қолипидаги биринчи боб феъллари билан бошланиб, "тусланмайдиган феъллар боби" деб шартли номланувчи феъллар боби билан тугайди. Маазкур қисмга уч ўзакли феълларнинг ўн бир боби ва тўрт ўзакли феълларнинг тўрт боби киритилган. Ҳар бир боб феъл ўзақларида учрайдиган барча ички ўзгаришларни тўлиқ ҳисобга олган ҳолда жуда

мукаммал тузилган. Юқори илмий савия ва дид билан берилган мисолларнинг остига, қўлёмалар таркибига қайси тилдаги сўзлик киритилганлигига қараб, у ёки бу тилдаги муодиллар жойлаштирилган. Инфинитив шакли сифатида қабул қилинган III шахс бирлик ўтган замон шаклидаги арабий феъллар худди шундай ўзгаришсиз ўтирилган. Бундан ташқари, феълларнинг ҳозирги ва келаси замон шакл, майл ва даражалари, масдар, аниқ ва мажхул даража сифатдошлари ҳам кўйлаб серқирра маъно ифодаловчи мисоллар воситасида батафсил ёритилган. Демак, Маҳмуд Замахшарий араб тили қонун қоидаларини, унинг нозик маъно товланишларини жуда мукаммал билган.

"Муқаддামату-л-адаб" нинг исмлар ва феъллар қисмигина бошқа тилларга ўтирилган. Унинг кўмакчилар, исмларнинг турланиши, феълларнинг тусланишига бағишланган қисмлари бошқа тилларга ўтирилган эмас.

Асарнинг учинчи қисми кўмакчиларга бағишланган бўлиб, у саккиз фаслдан иборат. Унда исмларнинг бош, қаратқич ва тушум келишикларида келишини тақозо қилувчи кўмакчилар, феъллар билан қўлланувчи ёрдамчи сўзлар, боғловчилар ҳақида тўлиқ маълумот келтирилади.

Исмларнинг турланишига бағишланган тўртинчи қисм 32 фаслдан иборат. Унда турли қўшимчалар таъсири остида исмлар охирида юз берадиган ҳаракатлардаги ўзгаришлар, яъни бош, қаратқич, тушум келишиклари билан боғлиқ ҳолатлар изоҳланади. Шунингдек, бирлик, иккилик, кўпликдаги исмларнинг турланиши, изофа, сифат билан сифатланмиш, сон билан саналмиш муносабатлари, шаклан музаккар бўлиб, муаннас ҳисобланувчи исмлар батафсил кўйлаб мисоллар билан мустаҳкамланган.

"Муқаддামату-л-адаб" нинг бешинчи қисми "тасриф-л-афъол" — феълларнинг тусланишига бағишланган. У бир неча боб ва фасллардан иборат. Мазкур қисмда арабий феълларнинг уч ўзакли бўлиши ва ўзак ҳарфларининг шартли равишда "фе", "айн", "лом" ҳарфлари билан белгиланиши тўғрисида гапирилади. Шунингдек, ўтимсиз феъллар, уч ўзакли феълларнинг иккиланган шакли, ўзақларидан бири иллатли, касал ҳарфлар билан ифодаланган феъллар, ҳамзалик тўғри феълларнинг тусланиши, буйруқ шаклининг ясалиши, масдарлар ва сифатдошлар ҳақида батафсил маълумотлар берилган.

"Муқаддামату-л-адаб" яратилган даврдан бошлаб жуда муҳим

манба сифатида кенг шуҳрат топти. У фан ва маданиятимизнинг кўпгина соҳалари бўйича қимматли маълумотлар бера оладиган нодир асар бўлганлиги учун ҳам тарих унинг кўплаб қўлёзма нусхаларида бўлишни тақозо қилди. Шу сабабали бўлса керак, асар қайта-қайта кўчирилган ва унинг қўлёзмалари жаҳоннинг турли мамлакатларидаги машҳур қўлёзма фондларига тарқалган. Улар ҳозирда ноёб манба сифатида жаҳоннинг йирик-йирик қўлёзма хазиналарида сақланмоқда.

"Муқаддамату-л-адаб" нинг кенг тарқалиб, ёйилишига яна бир сабаб унинг кўп тиллигидир. Бизга маълумки, "Муқаддамату-л-адаб" дастлаб араб, форс, туркий тилларда яратилган. Шундай бўлиши табиий ҳол эди. Чунки араб тили ўз даврининг расмий тили сифатида танилиб, форс ва туркий тиллар эса маҳаллий халқлар тиллари ҳисобланар эди. Туркий сўзлик тўғрисида фанимизда турли фикрлар мавжуд. Уларнинг айримларида асар даставвал араб ва форсий тилларида яратилганлиги кўрсатилса, баъзиларида эса туркий қўлёзмаларнинг қадимийлиги, туркий сўзлик қатлами тил хусусиятларига асосланиб, туркий сўзликни муаллифнинг ўзи киритган деган фикр илгари сурилади. Айрим манбаларнинг кўрсатишича, асарнинг Туркияда топилган энг қадимий қўлёзмаларидан бири таркибига эски хоразмий тилидаги сўзлик ҳам киритилган. Мўғулий сўзликка келсак, бу сўзлик Ўрта Осиёнинг мўғуллар томонидан истило қилинишининг дастлабки давридаёқ луғатга киритилган. Бу ҳам мазкур асарнинг ўз давридаёқ муҳим манба сифатида тан олинганлигидан далолат беради. Ҳозирда "Муқаддамату-л-адаб" нинг арабча-форсча, арабча-туркий, арабча-форсча, туркий, арабча-форсча-туркий-мўғулий, шунингдек, айрим маълумотларга кўра, хоразмча ва грекча сўзлик киритилган нусхалари ҳам мавжуд.

Тошкент қўлёзма фондларида "Муқаддамату-л-адаб" нинг тўққизта қўлёзмаси авайлаб сақланмоқда. Улар орасида арабча-форсча – икки тилли, арабча-форсча-туркий – уч тилли, арабча-форсча-туркий-мўғулий – тўрт тилли нусхалар бор. Юқоридаги тўрт тилли нодир қўлёзма дунёда ягона ҳисобланади. Ва у Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида сақланмоқда. Шунингдек, Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида мазкур асарнинг уч қўлёзма нусхаси мавжуд. Уларнинг биринчиси С 1297 ҳужжат рақами остидаги мукамал нусхадир. У 1915 йили В.А.Иванов томонидан Бухоро шаҳридан сотиб

олинган. Қўлёзманинг асосий қисми 763 ҳижрий, 1361–1362 милодий йили кўчирилган ва 27-варағига қадар сўзларнинг арабий-форсий ўтирмалари билан биргаликда туркий сўзлиги ҳам киритилган. Мазкур фонддаги иккинчи қўлёзма С 291 хужжат рақами остида сақланади ва у XIV–XV асрларда китобат қилинган. Унга арабий-форсий, туркий сўзлик киритилган. "Муқаддамату-л-адаб"нинг бу нусхасини 1897 йили В.Л.Вяткин Самарқанддан сотиб олиб, Рус академиясига тақдим этган. В.В.Бартольднинг ёзишича, қўлёзмага киритилган туркий сўзлик анчагина қадимий, асар муаллифининг замондоши томонидан киритилган бўлиши мумкин. Мазкур фонддаги учинчи қўлёзма А 1192 рақами остида сақланади. Унга асарнинг иккинчи қисми – феъллар киритилган бўлиб, у биринчи боб феълнинг "фаъала", "яфъилу" қолипидаги феъллар билан бошланади. Бу асар таркибига арабий ва туркий сўзлик киритилган.

"Муқаддамату-л-адаб" нинг яна бир нодир қўлёзмаси Россия ФА Доғистон бўлимига қарашли Тарих, тил ва адабиёт институти қўлёзмалар фондида сақланмоқда. Мазкур уч тилли қўлёзма Хоразмда 731 ҳижрий, 1330 милодий йили котиб Маҳмуд бин Юсуф ас-Сабаин қўли билан ёзилган. Унга исмлар ва феъллар қисми киритилган.

Тожикистон ФА Шарқшунослик институти фондида ҳам "Муқаддамату-л-адаб" нинг 1074 ҳижрий, 1664 милодий йили кўчирилган арабча-форсча нуқсонли нусхаси ҳам мавжуд. Бу қўлёзма таркибига эса исмлар қисмининг бир бўлагигина киритилган. "Муқаддамату-л-адаб" нинг қўлёзма нусхалари Лондон, Берлин, Техрон, Истанбул каби шаҳарларнинг қўлёзма хазиналарида ҳам сақланмоқда.

Англиядаги Британия музейи қўлёзмалар фондида асарнинг 864 ҳижрий йилнинг ражаб ойи, яъни 1460 йилнинг апрел-май ойларида Аҳмад бин Юсуф бин Иброҳим бин Ёқуб ан-Нагидий томонидан кўчирилган нуқсонли қўлёзмаси мавжуд. Бу қўлёзма муқаддима ва исмлар қисмидан иборат. Қўлёзмага арабий, форсий, туркий сўзлар киритилган бўлиб, айрим сўзларнинг грекча муодиллари ҳам бор. Бундан ташқари, мазкур музей фондида туркий сўзлик киритилган қатор қадимий нусхалар ҳам бор.

Париж Миллий кутубхонаси фондида ҳам асарнинг ўндан ортиқ нодир қўлёзма нусхалари мавжуд.

Шунингдек, Олмониянинг Берлиндаги қўлёзмалар фондида "Муқаддамату-л-адаб" нинг ўндан ортиқ нодир қўлёзмалари бор. Бу

қўлёзмалар орасида асарнинг 694 йил сафар ойида, (яъни 1294 йилнинг охири 1295 йил бошларига оид), 682 йил сафар ойи, (1283 йил май ойида), шунингдек, 828 йил раббиус-соний, (1425 йилнинг феврал ойида) ва XIII—XV асрларда кўчирилган яна бир неча нодир қўлёзмалар сақланмоқда.

"Муқаддамату-л-адаб" нинг яна бир қўлёзмаси Балониядаги Марсигли шарқ қўлёзмалари коллекциясида сақланади. 302 варақдан иборат арабча-форсча бу қўлёзма 13 рабул-охир 663 ҳижрий, 3 январ (1265 йил 3 январ)да кўчирилган. Шунингдек, "Муқаддамату-л-адаб" нинг нодир қўлёзмалари Туркия қўлёзмалар фондларида ҳам сақланмоқда. Туркиянинг Ёзгат шаҳрида ҳозирга қадар маълум бўлган асарнинг энг қадимий — 1257 йили кўчирилган қўлёзмаси мавжуд. Асарнинг муҳим қўлёзмаларидан бири Шуштар нусхаси ҳисобланади. Туркиялик олим Нурий Юже мазкур қўлёзманинг туркий сўзлигини транслитерацияда 1988 йили Анқара шаҳрида эълон қилди. Муаллифнинг маълумот беришича, бу қўлёзма Эроннинг Шуштар қасабасида яшовчи шайх Муҳаммад Тақийнинг кутубхонасида сақланмоқда. 1967 йили турк олими Ўрхан Билган мазкур қўлёзmani аниқлаб, Истанбулга олиб келади ва ундан Сулаймония кутубхонасида микрофильми олинади. Қўлёзmani нашрга тайёрлаш вақтида тасвирий нусхада аниқ чиқмаган ўринларини Метрол Тулум қайтадан қўлёзма билан солиштириб чиққан.

Шуштар нусхасининг умумий ҳажми 238 саҳифадан иборат бўлиб, ҳар бир саҳифага 8 қатордан арабий, форсий, ва туркий сўзлик киритилган. Арабий сўзлик насх хати элементлари киритилган йирик сулс хатида бигилган. Форсий ҳамда туркий сўзлик эса сатрлар остига майда насх хатида ёзилган. Қўлёзма ҳошиясида кўплаб ибораларнинг шарҳлари бор. Асарнинг бошланишида биринчи боб феълларига бағишланган қисми ва тўлиқ матннинг тахминан ярми тушиб қолган. Қўлёзма "афъала", "юфъилу" қолишидаги тўртинчи боб феъллари билан бошланади. "Муқаддамату-л-адаб" нинг мазкур қўлёзмаси таркибидаги туркий сўзликнинг умумий ҳажми 3506 сўзни ташкил этади. Шу жумладан, 2908 та туркий, 450 та арабий, 133 та форсий, 5 та мўғулий, 4 та хоразмча, 2 та суғдча, 2 та русча, 1 та тибетча ва 1 та юнонча сўзлардан иборат.

Шуштар нусхасини Тошкент нусхалари билан қиёсий ўрганиш бу нусха матни Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний

номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланувчи 3807 рақамли XIV аср қўлёзмаси матнига яқинлигини кўрсатади. Бу нуханинг бошқа нухалардан яна бир фарқли жиҳати шундаки, ҳар бир арабий сўзнинг остига унинг бир туркий муодили, айрим ўринлардагина икки туркий муодили келтирилган. Шуштар нухасида эса аксарият ҳолларда икки, уч, ҳатто тўрт туркий муодил келтирилган ўринлар ҳам учрайди. Масалан, икки муодил қўлланилган ҳолатлар — чиқарди ани бурчдин, безор қилди ани бурчдин; сифиндурди ани анга, қисарлади ани анга; ўлжалади анларга таварни, ғорат қилдурди анларга молни;

Уч муодил қўлланилган ҳолатлар — озди йўлдин, янгилди йўлни, ява қилди йўлни; кўнгулга душмас сўз сўзлади, ғариб сўзлади сўз ичида, дангсуқ сўз сўзлади;

Тўрт муодилли ҳолатлар — кенгду ўзин танг кўрди, куванди кенду ўзи бирла, тангга келтурулди ўзи бирла, кенду тангланди; эрки қилди молни, мерос олди молни, эскиртти молни, йиғди эски молни; қавушти нарса, чатуқ бўлди нарса, йапшурди нарса, бири-биринга тегди нарса.

Демак, "Муқаддамату-л-адаб" нинг Шуштар нухаси асарнинг бизгача етиб келган нодир қўлёзмаларидан бири ҳисобланади. Асар матни устидаги дастлабки изланишлар унинг XIV—XV асрларда китобат этилганлигини тасдиқлайди. Асардаги сўзликни илмий ўрганиш ва истеъфодага киритиш ҳозирги кундаги долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Асарнинг нақадар муҳим манба эканлигини англаш учун унинг таркибидаги биргина феълнинг англашган маъно хусусиятларини атрофлича ёритиш етарлича деб ўйлаймиз.

Шу мақсадда биз асар матнида энг кўп учраган ва мазмун доирасидаги кенг феъллардан бири бўлмиш ён — ўзагидан ясалган феълларни таҳлил қилдик. Бунинг учун "Муқаддамату-л-адаб" нинг Тошкентда сақланаётган XII—XIV асрларга оид тўрт қўлёзмасини бир-бирига қиёслаб, улар англашган маъно хусусиятларини атрофлича ёритдик.

Ён ўзагидан ясалган феъллар асарда 69 маротаба қўлланилган ва қуйидаги маъноларни англашган:

1. "Қайтиб келмоқ, қайтиб тушмоқ, қайтмоқ": (МАО. 453 б.3) — ёнди хатунига — "хотинига қайтди". Ёрдамчи нусхаларда бу феъл қайтарди феъли билан ифодаланган, қиёсланг: (МАО. 158 б.5) — ражъат қилди авратни, қайтарди, (МАО. 106а.5 хатунлиқ (қа) қайтарди тишини талақдин сўнг. "МАО" қўлёзмадаги таржима тавсифий бўлиб, у арабий ражаъа-л-марата иборасининг тўлиқ мазмунини, яъни "аёлни талоқдан сўнг хотинликка қайтарди" (ҚЖ.364) маъносини англатади. Шунингдек, ражаъа феълининг "яна қайтмоқ, янгитдан қайтармоқ" (АРСл.288) маънолари ҳам бор. Шуларни назарда тутиб, биз ҳар уччала қўлёзмадаги туркий сўзликни араб тилидаги феъл мазмунига мутоносиб деб, хулоса қилдик. Лекин таянч нусхамиздаги феълнинг умумий маъноси тўғри англашилган бўлса-да, унинг нозик фарқи айнан "талоқдан сўнг" қайтарилганлиги сезилмайди. Н.Пошенинг луғатида эса мазкур ёнди хатунига ибораси "ўз хотини ёнига қайтди" (Поппе. 293) кўринишида берилган.

Демак, юқоридаги "ёнди хатунига" иборасини арабий феъл англатган маъно ва ёрдамчи нусхалардаги муодиллар асосида "аёлни (талоқдан сўнг яна хотинликка) қайтарди" шаклида келтириш унинг мазмунини тўлиқ очиб беради.

(МАО. 482а.2) ёнди намаздин — "намоздан қайтди". "МАО" қўлёзмада бу феъл чеврулди намаздин шаклида берилган. Чеврул (чэвур-ул) феъли "айланмоқ", "ўгирилмоқ" ни англатади (ДТС. 145). Феълнинг арабчаси инфатала мин кўмакчиси билан "туғамок, тамом қилмоқ", "билинтирмасдан кетиб қолмоқ" (АРСл. 581; Гиргас. 601) маъноларини билдиради. Лекин инфатала мина-с-салати ибораси "намозни тугатди" (Гиргас.601) маъносини ҳам беради. Демак, ёнди намаздин жумласи "намоздан (туғатиб, орқага қайтиб) келди" маъносини ифодалайди.

(МАО. 2656.1) ёнди— "қайтди". Феълнинг арабий муодили карра ҳам "қайтмоқ" маъносини англатади. Ёрдамчи нусхалар билан қиёсланг: (МАО. 46 б.2) — қайтти, (МАО.39а.7) — қайра тўнди "яна қайтди". "МАО" қўлёзмадаги туркий феъл маъносида кучайтириш ҳолатини сезиш мумкин. Унда қўлланилган тўнди феъли ҳам қадимги туркий манбаларда "қайтди" маъносини ифодалаган (ДЛТ. III. 202).

(МАО.402а.4) ёндилар Арафатдин — "Арафот тоғидан

қайтиб тушдилар". Қиёсланг: (МAB. 1346.6) қайттилар Арафатдин. Арабий сўзликдаги феъл афаду мин Арафатин – "Улар (зиёратчилар) Арафот (тоғи)дан (Минога оломон тўлқини каби) қайтиб тушдилар" мазмунини англатади.

2. "оғмоқ": (МAА. 502 б.3) ёнди кўлага – "соя оғди". Бу феъл ёрдамчи нусхаларда қийишти феъли орқали изоҳланган, қиёсланг: (МAB.179a.2) қийишти кўлига, (МAB. 124a.2) қийишти кўлага. Мазкур феълнинг арабий асли тафаййаа-з-зиллу – "соя пешиндан сўнг шарқдан ғарбга оғди" маъносини билдиради. Кейинги қўлёзмаларда берилган қийишди ҳам "оғди" (ДЛТ. Ш. 198) маъносини англатади. Демак, "Муқаддамату-л-адаб" даги ёнди феъли "оғди" маъносини ифодалаш учун ҳам қўлланилган.

3. "қисқармоқ, кичраймоқ, қисқа бўлмоқ". (МAА.491б.3) ёнди кўлага – "соя қисқарди". Қиёсланг: (МAB.191a.4) кўлига қисқалди, (МAB.119б.9) қисқалди кўлага, (МAА.531б.1.) ёнди кўлага – "соя қисқарди". Феълнинг туркий муодиллари "МАБ" ва "МAB" қўлёзмалардан тушиб қолган, "МАГ" қўлёзмада эса (МАГ.88б.7) – қисқалди кўлага шаклида келтирилган.

Юқорида келтирилган мисолларнинг барчаси ёнди феълнинг "қисқармоқ", "кичраймоқ" маъносида қўлланилганлигига ишора қилади.

4. "тузалмоқ, эс-хуши ўзига келмоқ, бирор камчиликдан холи бўлмоқ".

(МAА.272a.2) ёнди анинг сари ақли – "унинг ақли ўзига қайтди, тузалди". Ёрдамчи нусхаларда бу феъл қайтти феъли билан изоҳланган, қиёсланг: (МAB.51a.4) қайтти анинг тапа ақли, (МAB.42a.1) қайтти анга ўс – "унга эси қайтди, эси ўзига келди", (МAА.485 б.2) ёнди билмаслиқидин – "билмаслигидан қайтди, нодонлигидан тузалди". Мазкур ибора Н.Поппеда "вернулся по незнанию – билмасдан қайтди" (Поппе.П 294) деб таржима қилинган. Феълнинг арабий асли – иръаваъан жаҳлиҳи – "жоҳилликдан, нодонликдан тузалди, тийилди" маъноларини англатади (АРСл.308). Бу англашилган маънони ёрдамчи нусхаларда берилган феъллар ҳам тасдиқлайди, қиёсланг: (МAB.187a.6) йиғлинди жоҳилликдин – "жоҳилликдан тийилди, чекинди", (МAB.117б.2) қайтти биликсизликдин – "билимсизликдан қайтди, нодонликдан тузалди". Юқоридаги ҳолатларда ёнди феъли кишининг бирор ҳолатдан ўзгариб, тийилиб, тузалиш маъносини англатиш учун қўлланилган.

5. "адашмоқ, тоймоқ, четга чиқмоқ, озмоқ": (МАО.276а.2) ёнди йўлдин — "йўлдан адашди, тойди". Бу феъл қиёсланаётган нусхаларда (МАО.53.6) қийишти йўлдин — "йўлдан оғди, адашди", (МАО.43а.7; МАГ. 30а. 2) савилди йўлдин феъллари билан изоҳланган. Савил — феъли туркий тил луғатларида "узқлашмоқ, четга чиқмоқ" (ДТС. 492; РСл. IV. 428) маъноларини англатган. Феълнинг араб тилидаги маънодоши жараъани-т-тариқи ҳам "йўлдан адашмоқ, озмоқ" мазмунини билдиради. Демак, ушбу ўринда ёнди йўлдин жумласи "йўлдан адашди, оғди, четга чиқди" мазмунини англатган.

6. "юз ўгирмоқ": (МАО. 481 б.1) ёнди андин — "ундан юз ўгирди". Қиёсланаётган ҳар икки нусхамизда ҳам феъл қийишти феъли орқали изоҳланган (МАО. 175 б.1; МАО. 11 ба.1) қийишти андин. Ёнди феъли англатган "юз ўгирди" маъносини арабий ва форсий сўзликларда келтирилган феъллар ҳам тасдиқлайди. Феълнинг араб тилидаги маънодоши инҳарафаъанҳу — "ундан юз ўгирди, унга терс бўлди" (АРСл. 166) маъноларини англатади. Форсий сўзликда келтирилган — бигушт аз вай ҳам "ундан юз ўгирди" (ПРСл.П. 688) мазмунини ифодалайди.

(МАО. 485а.4) ёнди андин — "ундан юз ўгирди". Бу мазмун ёрдамчи нусхаларда яққолроқ кўрсатилган, қиёсланг: (МАО. 187 а.2) қийишти андин, (МАО. 117 а.9) йуз эвурди андин. Юқоридаги мисоллардан "ёнди" феълнинг "юз ўгирмоқ, терс бўлмоқ" маъноларини ифодаганлиги англашилиб турибди.

7. "тавба қилмоқ, сиғинмоқ": (МАО. 27 б.1) ёнди тэнгриға йазуқдин — "тангриға гуноҳдан тавба қилди". Ёрдамчи қўлёзмаларга солиштиринг: (МАО. 51 а.3) қайтти тэнгриқа йазуқиндин — "тангриға ўз гуноҳдан тавба қилди", (МАО. 41 б.9) тавба қилди тангриға йазуқдин — "тангриға гуноҳдан тавба қилди".

"МАО" ва "МАО" қўлёзмаларда келтирилган туркий жумлаларнинг мазмуни арабий аслига мос келади. "МАО" қўлёзмадаги "йазуқиндин" сўзида эса ўзлик мазмуни англашилади.

(МАО.398а.2) ёнди тэнгриға — "тангриға тавба қилди, сиғинди". Бу феълнинг арабий муодили анаба ила-л-лаҳи "Аллоҳга тавба қилди, Аллоҳга сиғинди" (ҚЖ.104) маъноларини англатади. Н.Пошпеда юқоридаги "ёнди тэнгриға" ибораси "тангриға қайтди" мазмунида таржима қилинган (Пошпе. П.124). Бу феълнинг айнан "сиғинмоқ" маъноси қиёсланаётган "МАО" нусхада

яққол англашилиб турибди: (МAB. 906.1) – сийинди тангриға – "тангрига сифинди".

8. "ўғирилмоқ, ағдарилмоқ": (МAА.487.6.2) ёнди – "ўғирилди". Фейлнинг арабий сўзликда келтирилган шакли тақаллаба – "ўғирилмоқ, ағдарилмоқ, ўзгармоқ" (КЖ.211) мазмунини ифодалайди. Кейинги "MAB" ва "MAG" қўлёзмаларда ёнди фейлнинг айнан "ўғирилди, ағдарилди" мазмунида қўлланилганлигини исботловчи эврурди (MAB. 118 а.9; MAG. 766.5) феъли келтирилган. Фейлнинг форсий муодили ҳам унинг айнан шу маънода эканлигига ишора қилади, қиёсланг: бегушт – "ўғирилди, айланди" (ПРСл. П. 688). Юқорида келтирилган феълларнинг англатган маънолари ёнди феълени "ўғирилди, ағдарилди" мазмунида изоҳлашимизга асос бўла олади.

9. "бузмоқ" (масалан аҳдни): (MАА. 2806.3) ёнди ʻаҳддин – "аҳдан қайтди, аҳдни бузди". Фейлнинг ёрдамчи нусхалардаги муодиллари қайтти феъли орқали ифодаланган, қиёсланг: (MAB. 56 а.7) қайтти ʻаҳддин, (MAB. 45а. 6) қайтти ʻаҳддин.

10. "пайдо бўлмоқ": (MАА. 4796.1) ёнди ғайбатдин – "ғойибликдан қайтди, пайдо бўлди". Мазкур иборадаги ғайбат сўзи Н. Поппе томонидан ғийбат тарзида изоҳланган ва "у ғийбатдан бош тортди" (Поппе.П.293) мазмунида таржима қилинган. Ёрдамчи нусхалар билан қиёсланг: (MAB. 174а.4) ғайиблуқдин қайтти, (MAB. 115 а.) қайтти ғайбатдин.

"Муқаддамату-л-адаб" таркибида ёнди феъли билан биргаликда унинг орттирма даражадаги ёндурди шакли ҳам учрайди. Ёндурди феъли ҳам ёнди сингари турли маъноларни ифодалашда қўлланилган.

1. "қайтармоқ, қайтариб олмоқ": (MАА.388а.4) ёндурди чэрикни – "қўшинни қайтарди", (MАА. 438.1) ёндурди ани – "уни қайтарди", (MАА.516 б.3) ёндурди нимани – "нарсани қайтариб олди". Ёрдамчи нусхаларда бу феълнинг ўрнига унинг қайтарди (MAB. 9 а.4) чэвурди, (MAB. 88 б.9) эвурди, (MAB. 130б.8) қайтару алди каби турли муодиллари қўлланилган.

2. "ҳайдамоқ", "қувламоқ". (MАА.275 а.1) ёндурди галани сувдин – "галани сувдан ҳайдади, подани сувдан қувлади". Араб тилидаги феълнинг маънодоши за да, – "ҳайдамоқ, қувламоқ, нари қилмоқ" (АРСл. 278) мазмуларини англатади. Нусхалардаги феълнинг муодиллари ҳам юқоридаги мазмунни тасдиқлайди, қиёсланг: (MAB. 52 б.4) йиғди йилқиларни сувдин, (MAB. 426.9)

қайтарди кўликларни сув ичурмадин (МАО. 378 б. 2) ёндурди тэвани сувдин — "туяни сувдан ҳайдади".

3. "(бирор ишдан) қолдирмоқ, қайтишга рози қилмоқ": (МАО. 393 б.4) ёндурди ани фикридин — "уни фикридан қолдирди, уни фикридан қайтишга рози қилди", қиёсланг: (МАО. 129.б.1) қайтарди ани раъйиндин, (МАО. 886.9) эвурди ани раъйиндин. (МАО. 240.б.1) ёндурди ани тадбиридин — "уни тадбиридин қолдирди". "МАО" қўлёзмада бу феъл (МАО. 116.3). чэвурди андин раъйни шаклида келтирилган.

4. "тўнкармоқ, ағдармоқ": (МАО. 380 б. 2) ёндурди ани — "уни тўнкарди, ағдарди". Феълнинг араб тилидаги муодили аркаса — "ағдариб ташламоқ, тўнкармоқ" (АРСл. 312) маъноларини англатади. Ёрдамчи "МАО" нусхада бу феъл йўқатти феъли билан изоҳланган, қиёсланг: (МАО. 124 а.6) йўқатти ани. "МАО" қўлёзмада эса (МАО. 84а7) дўнгдарди ани — "уни тўнкарди" шаклида келтирилган. Қиёсланаётган "МАО" нусхада келтирилган феъл мазмуни унинг арабий асли маъносига умуман мос келади, лекин "МАО" қўлёзмадаги дўнгдарди феъли юқоридаги феъл мазмунини тўлиқроқ ифодалайди. Демак, "Муқаддамату-л-адаб"даги ёндурди феъли "ағдармоқ, тўнкармоқ" маъноларида ҳам қўлланилган.

5. "такрорламоқ": (МАО.398 б.4) ёндурди сўзни — "сўзни такрорлади". Қиёсланг: (МАО. 132 б.2) қайтарди анга сўзни, (МАО. 90 б.6) иккинчи эвурди сўзни. Н.Поппеда мазкур феъл ҳарфий, яъни "вернул" (Поппе.П.294) шаклида ўтирилган. Рус тилидаги "вернул" феъли ўзбек тилига "қайтарди" мазмунида таржима қилинса-да, лекин юқорида биз келтирган мазмунини англатмайди. Бу ўринда эса айнан "сўзни такрорлаш" назарда тутилган.

Демак, "Муқаддамату-л-адаб" матнида учраган ён — ўзагидан ясалган феъллар "қайтмоқ, қайтиб келмоқ, қайтиб тушмоқ, қайтармоқ, қайтариб олмоқ", "оғмоқ", "қисқармоқ", "кичраймоқ", "қисқа бўлмоқ", "тузалмоқ, (бирор камчиликдан холи бўлмоқ), "адашмоқ, тоймоқ, озмоқ", "юз ўтирмоқ", "тавба қилмоқ", "сифинмоқ", "ўтирилмоқ", (аҳдни) "бузмоқ", "пайдо бўлмоқ", "ҳайдамоқ, қувламоқ", (бирор ишдан) қолдирмоқ, қайтишига рози қилмоқ, "тўнкармоқ, ағдармоқ", "такрорламоқ" маъноларини англатган.

Луғат матнида ён — феълнинг "ёнмоқ, аланга олмоқ, алангаланмоқ" мазмунидаги омоним шакли ҳам фаол қўлланилган: (МАО. 437 б.1)

ёнди ўт — "олов ёнди". "МАБ" ва "МAB" қўлёзмаларда келтирилган феъллар таянч нусхадаги ёнди феълига нисбатан кучлироқ маъно ифодалаган, қиёсланг: (МАБ. 170 б.3) ёлинглади ўт, (МАБ. 112 б.9) ёлинлади ўт. Туркий тилда ёлингла — "алангаланмоқ, аланга олмоқ" (ДТС. 229) ёлина — эса "ловуллаб ёнмоқ" (ДТС. 229) маъноларини англатган.

(МAА.. 490а. 4) ёнди ўт — "ўт, олов ёнди". Қиёсланг: (МАБ. 190а.7) ёлинглади ўт, (МАБ. 49а.2), (МАГ.77а.7) — кўсанди ўт. "МАВ" ва "МАГ" қўлёзмаларда келтирилган кўсў — феъли қадимги ёзма манбаларда "оловни аралаштирмақ" (РСл.П.1294) маъносини англатган. Мазкур феълнинг маъноси тадрижий ривожланиб, ушбу қўлёзмада "алангаланмоқ", "ёнмоқ" маъносини ифодалаган. Феълнинг арабча шакли тасавъара ҳам "ёнмоқ, алангаланмоқ, ловуллаб ёнмоқ" (ҚЖ.188-189) маъноларини англатади. Демак, ҳар тўрт қўлёзмада келтирилган туркий феъллар араб тилидаги феъл мазмунини тўлиқ ёритган.

(МAА. 290а.4) ёнди ўт — "олов ёнди". Қиёсланг: (МАБ. 62 б.5) ёлинглади ўт, (МАБ.49 а.2 ) ёлинлади ўт, (МAА. 500 а.1) ёнди ўт — "ўт, олов ёнди". Мазкур феъл "МАБ" қўлёзмада (МАБ. 180 а.6) ёлинглади ва "МАВ" қўлёзмада (МАБ. 123 а.1) тутушди феъллари билан изоҳланган. Тутушди феъли фонетик ўзгаришга учраган ҳолда ўзбек тилига етиб келган. Ўзбек тилидаги "туташмоқ" феъли унинг фонетик ўзгарган шакли сифатида айнан "алангаланмоқ, аланга олмоқ" маъноларини англатади (ЎТИЛ.П.232).

(МAА. 464 б.3) ёнди ўт — "ўт, олов ёнди". Қиёсланг: (МАБ. 165 а.7) ёлинглади ўт, (МАБ. 1096.8) ёнди ўт.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, таянч қўлёзмадаги "ёнмоқ, алангаланмоқ, аланга олмоқ" мазмунини ифодалаган биргина ёнди феъли ёрдамчи нусхаларда ёлинглади, ёлинади, кўсанди, тутушди каби турли маънодош феъллар билан ифодаланган, бу эса "Муқаддамату-л-адаб"даги туркий феъллар синонимик қаторининг кенглигидан далолат беради.

Ён — ўзагидан ясалган феъллар қадимдан тилимизда фаол истеъмолда бўлган. Қадимги туркий тил ёзма манбаларида ён — ўзагидан ясалган феълларнинг "қайтмоқ, қайтармоқ", "ёнмоқ", "қайт қилмоқ", "қусмоқ", "қусдирмоқ", "дўқ қилмоқ", "қўрқитмоқ" каби маънолари учрайди (ДЛТ. Индекс.ІІІ; ДТС.231). Эски ўзбек тили

ёзма ёдгорликларида эса ён — феъли "мурожаат қилмоқ", "чиқармоқ", "қайтмоқ", "ўгирмоқ", "дўқ қилмоқ", "хафв солмоқ", "қайта ўгирмоқ", "ағдармоқ", "кесиб ташламоқ", "ёнмоқ", "ўт олмоқ", "ёқилмоқ" маъноларини ифодалаган.

Хулоса қилиб шуни таъкидлашимиз лозимки, Маҳмуд Замахшарий етук тилшунос олим сифатида бутун оламга танилган ва шу билан кўхна Ватанимиз номини дунёга танитган, ўз замонасининг якто зотларидан биридир. Унинг асарлари жуда илмий, юқори савияда, мукамал яратилган. Бунга унинг биргина "Муқаддамату-л-адаб" асари ҳам мисол бўла олади. Ҳозирги кунда "Муқаддамату-л-адаб"ни чоп этиш маънавий меросимиз, манбашунослик, тилшуносликдаги муҳим вазифалардан биридир. Чунки бу нашр манбашунослигимиз, тилшунослигимиз тарихи, замонавий адабий тилимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшди.

## ҚЎЛЛАНМАДА Фойдаланилган шартли қисқартмалар

- АРСл. — Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. — М. — 1977. — 942 с.
- ПРСл. — Гаффаров М.А. Персидско-русский словарь. Т. I—II. — М.: “Наука”, 1974. — т. I—432с., т. II—529 (438—962)с.
- Гиргас — Гиргас В. Словарь к арабской хрестоматии и Корану. — Казань — 1881. — 915 с.
- ДЛТ — Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит-турк. (Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталлибов). Т. I—III. Тошкент. “Фан”, 1960—1961, 1963. — т. I—498б., т. II—427б., т. III—465 б.
- ДЛТ, индекс — Девону луғотит-турк. Индекс—луғат. (Ф. Абдурахмонов ва С. Муталлибовлар ишгиروي ва тахрири остида). — Тошкент. “Фан”, 1967. — 550б.
- ДТС — Древнетюркский словарь. — Л.: “Наука”, 1969, — 676с.
- МАО. — Маҳмуд Замахшарий. Муқаддамату-л-адаб. Ўзбекистон ФА Адабиёт музейи, қўлёзма, №202. — 533 в.
- МАОБ — Маҳмуд Замахшарий. Муқаддамату-л-адаб. Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти, қўлёзма, №2699. — 194 в.
- МАОВ — Маҳмуд Замахшарий. Муқаддамату-л-адаб. Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти, қўлёзма, № 3807. — 136 в.
- МАОГ — Маҳмуд Замахшарий. Муқаддамату-л-адаб. Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти, қўлёзма, № 1497ҚIII. — 141 (47а—187б.) в.
- Поше — Поше Н.Н. Монгольский словарь “Муқаддимату-л-адаб”. — Ч. I—III. — М.—Л.: АН СССР, 1938—1939. — ч. I—II. — 451с., ч. III—114 (452—556)с.
- РСл. — Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий. Т. I—IV. — СПб., 1893—1911. — т. I—191 с., т. II—1824 с.; т. III—2203с., т. IV—2230 с.
- РПРСл. — Рубинчик Ю.А. Персидско-русский словарь. Т. I—II. — М.: 1870. — т. I—782с., т. II—847с.
- ЎТИЛ — Ўзбек тилининг изоҳли луғати. — М.: Русский язык, 1981, — т. I—649, т. II—777 с.
- ҚЖ — Ал-қомус-ал-жадид. Тунис. — 1985. 1505в.